

Тилга кирган чақалоқ



08:30 / 30.12.2018 7103

Бану Исроиллик бир аёл ўғлини эмизаётган эди, олдидан хушсурат бир киши от миниб ўтиб қолди. Аёл отликқа ҳавас қилиб, “Аллоҳим, ўғлимни шунга ўхшатгин”, деб дуо қилди. Шу пайт бола онасининг кўкрагини оғзидан чиқарди, отликқа қараб туриб, “Аллоҳим, мени унга ўхшатмагин”, деди-да, эмишда давом этди.

Шу пайт уларнинг олдидан бир аёлни олиб ўтишди. Одамлар уни “Ўғри! Зинокор!” деб ҳақоратлашар, аёл эса: “Аллоҳ менга кифоя. У қандай яхши Вакил”, дер эди. Эмизаётган она буни кўриб, “Аллоҳим, боламни бу аёлга ўхшатмагин”, деди. Бола эса аввалги сафаргидек, “Аллоҳим, мени унга ўхшатгин”, деди.

Она чақалоғининг икки сафар ҳам ўзига номувофиқ гапирганига ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини сўради. Ўғли деди: “Боя олдимиздан ўтган отлик золимлардан эди. Шунинг учун “Аллоҳим, мени унга ўхшатмагин”, дедим. Одамлар зинокор, ўғри деб айблаётган аёл бўлса, умуман ўғри ҳам, зинокор ҳам эмас эди. У аслида покдомон бўлиб, одамлар унга ноҳақ тухмат қилишаётганди. Шунинг учун “Аллоҳим, мени унга ўхшатмагин”, дедим”.

“Солиҳлар гулшани” китобидан